



ТОШКЕНТ

2019 йил 7 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (13.999)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА"ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНING ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўлжак ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоёт муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

2019 йил 21 октябрь кuni Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганга ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақам ҳуқуқий асос ва юксак макомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жаҳалларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқро минбарлардан баралла янграмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш дaври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўлланмалар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдишларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтариш.

Худудларда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга муҳаббат ва сардоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

1. Ўзбекистон Республикасининг Маданият вазири, Халқ таълими вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг жорий йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги таърифи 1-иловага; Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирилик ва идоралар билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг пухта тайёрларлик асосида, юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча шаҳар ва туманларда байрам тадбирларини ташкил этсин;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншоолар танловини ўтказсин; мамлакатимизда театрлар ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақидаги спектакллар, бадий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этсин;

"Ўзбек тили тараққиёти ва халқро ҳамкорлик масалалари" мавзусида халқро илмий-амалий конференция ҳамда "Ўзбек тилишунослигининг долзарб масалалари" мавзусида республика конференциясини ўтказсин;

ўзбек адабий тилининг асосини, буюк мутафаккир шoirимиз Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштирсин;

мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишланган байрам тадбирларини ўтказсин ва "Ўзбек тилининг дўстлари" клубларини тусзин;

мамлакатимизда янгитдан ташкил этилиб, фаолият кўрсатётган Мухаммад Ризо Оғаҳий, Исҳоқжон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида она тилига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказсин; худудларда тил байрамга бағишланган адабий-маърифий кечалар ҳамда янги китоблар тақдимотини амалга оширсин;

21 октябрь кuni Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги санъат саройларида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини ташкил этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини нишонлашга таъйёрларлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадларининг орттириб бажарилган қисмидан, шунингдек, ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 октябрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КИТОБ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Пойтахтимизда "Tashkent Book Fest – 2019" Тошкент халқро китоб кўргазма-ярмаркаси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур ижодий лойиҳа талабалар, ўқувчи-ёшлар, адабиёт муҳлислари, ўқитувчилар, китоб наشري, уни тарқатиш ва оммалаштириш учун маъсул бўлган барча мутасадди ташкилот вакилларида катта таассурот қолдири.

Уч кун мобайнида "Ўзэкспомарказ"нинг муҳташам павильонини китобсеварлар билан гавжум бўлди. Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия, Россия, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг ноширлик соҳасида эришган ютуқлари, нашриётлар фаолияти, китоб тарғиботи бўйича амалга оширилган ишлар, сўнги пайларда чоп этилган янги адабиётлар билан батафсил танишиш имконига эга бўлдилар.

– Мазкур халқро китоб кўргазма-ярмаркаси жуда кўтаркинчи руҳда ўтказилди, – деди Россиянинг "Живая книга" нашриётининг савдо бўйича директори Юлия Федорова. – Ташкилотчилар ўз вазифасини сидқиқидан, аниқ, қатъий тартиб асосида адо этгани диққатга сазовор. Тадбир давомида нашриётимизда чикан иккита китобнинг тақдимотини ўтказдик. Ўзбекистондаги бир қатор нашриётлардан ҳамкорлар топдик. Халқингизнинг китобга бўлган қизиқиши ва меҳри менда катта таассурот уйғотди.

– Мазкур кўргазма-ярмарка асосида Тошкентдаги Гёте институти, кутубхона фондидаги китоблар, ўқув материалларининг муайян қисми билан китобсеварларни атрофли таъминлашга муваффақ бўлди, – деди пойтахтимиздаги Гёте

институти ахборот ва кутубхона бўлими ходими Гулнора Усмонова. – Биз мультимедиа кутубхона тўғрисида кўпроқ маълумот беришга интилдик. Яъни, кутубхонамиз шунчаки китоб ўқийдиган маскан эмас, балки ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, маърифий тадбирлар ўтказиладиган, дарс тайёрлайдиган гўша саналади. Бу кўргазма-ярмарка баҳонасида тил ўрганиш, китобхонликка ўзига хос ҳисса қўшидик, деб ўйлайман.

– Эътиборга молик жиҳати, ушбу кўргазма-ярмаркада шунчаки келиб-кетувчилар эмас, балки реал харидорлар, соҳанинг чинакам билимдонлари ва фидойилари, китобни ростман кадрловчи одамларни учратдик, – деди Буюк Британиянинг "Hertfordshire Press" нашриётининг юртимиздаги минтақавий вакили Виктория Чугай. – Маҳаллий нашриётларнинг ҳамкорлик учун очиқлиги ва тайёрлиги таҳсинга лойиқ. Янги режалари, лойиҳаларни белгилаб олдик. "Tashkent Book Fest – 2019" тадбири ташкилий жиҳатдан жуда юқори савияда ўтказилди.

– Кўргазма-ярмарка давомида қозоғистонлик ноширлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга эришдик, – деди Чўлпон нашриёт-матбаа ижод уйи бош муҳаррири Даврон Улғумуров. – Уч кун давомида барча иштирокчиларнинг китобни гоёт қадрлаши яна бир қарра намоян бўлди.

Тадбир якунида фаолияти, ноширлик махсусотлари, стендлари энг яхши, деб топилган иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Шу билан бирга, қўлаб иштирокчиларга махсус дипломлар топширилди.

Назоқат УСМОНОВА

ИССИҚ СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДАГИ БАРҚАРОРЛИК – АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь кuni аҳолини узлуксиз иссиқ сув ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларининг муайян қисми эскиргани, айримлари фойдаланишга ярқосиз аҳволга келиб қолгани қайд этилди. Хусусан, мазкур соҳага ҳозиргача хорижий инвестициялар умуман жалб қилинмагани мавжуд имкониятлар етарлича ишга солилмаганини кўрсатади.

Йиллар давомида технологик модернизация ишлари амалга оширилмагани сабабли тармоқ даромадининг 85 фоизи ёқилги-энергетикага сарфланмоқда. Тармоқдаги йўқотишлар эса 35-40 фоизга етган. Энергия ресурслари харажати ва тўловлардаги номуносивлик оқибатида кредитор ва дебитор қарздорлик юзага келмоқда.

Шу боис Президентимиз соҳани тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд қувватларни янгилаш ва бошқаруви тақомиллаштириш вазифаларини белгилаб берди.

Сифатли иссиқлик таъминоти тизимини йўлга қўйиш учун, аввало, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, бунда Австрия, Дания, Германия, Финляндия тажрибаси асосида энергия тежамкор ҳамда кўп мақсадли технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, катта маблағ ҳисобига ишлаб чиқарилган иссиқликдан циркуляр тарзда қайта-қайта фойдаланса бўлади. Мисол учун, Тошкент шаҳри иссиқлик таъминотини шундай "ёпиқ тизим"га ўтказиш йўлига 300 миллиард сўм миқдордаги 3 миллион гигакалория иссиқлик йўқотишлигининг олдини олади, айни пайтда 160 миллиард сўм ҳажимдаги 320 миллион куб метр табиий газ ҳамда 25 миллиард сўмлик 85 миллион киловатт электр сарфини қисқартириш имконини беради.

Йиғилишда 12 та шаҳардаги 5 мингга яқин турар жойнинг марказлашган иссиқлик таъминотини тиклаш ва уларни "ёпиқ тизим"га ўтказиш, хусусан, Бухоро ва Чирчиқ шаҳарлари бўйича тендер савдоларини якунлаб, 2020 йилда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, келаси йили Андижон, Самарқанд шаҳарлари ва пойтахтимизнинг Сергели тумани бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, бунда Жаҳон банкнинг 140 миллион доллар кредитидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Европа тараққиёт ва тикланиш банкнинг 150 миллион доллар кредити ҳисобидан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улўғбек ва Миробод туманларида иссиқлик таъминоти тармоғини модернизация қилиш,

Бухоро, Фарғона, Қувасой, Урганч ва Нукус шаҳарларида янги технологияларни жорий этиш лойиҳасига Япония халқро ҳамкорлик агентлигининг 780 миллион доллар кредитини жалб қилиш вазифаси қўйилди. Осие инфратузилмавий инвестициялар банкнинг 55 миллион доллар маблағи эвазига Ангрэн иссиқлик станциясини модернизация қилиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тармоққа бозор механизмларини кенг жорий этиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, тарифлар эркин бўлиши лозим. Шу боис соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, келаси йилдан Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимига давлат-хусусий шериклик корхоналарини жалб этиш чоралари белгиланди.

Йўқотишларни бартараф этиш ва меъёрдан ортқ истеъмолни камайтириш мақсадида иссиқлик энергиясини ҳисобга олишининг автоматлашган тизимини жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз аҳолиси 119 та шаҳар ва 11 мингдан зиёд қишлоқлардаги қарийб 6 миллионга яқин ҳовли-жойларда истикомат қилади. Уларни қуз-қуш мавсумида иссиқлик билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига фақат кўп хонадонли йўллар билан чегараланмасдан, барча аҳолини иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш, бу борадаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳада бошқарув самардорлигини ошириш, фаол инвестициялар жалб этиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимини тақомиллаштириш, иссиқлик таъминоти корхоналарини алоҳида акциядорлик жамиятига бирлаштириш бўйича тавсиялар берилди. Бу акциядорлик жамияти объектларни эксплуатация қилиш билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириш, уларга халқро молиявий ташкилотлар маблағларини жалб этиш билан шуғулланади.

Йиғилишда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси халқимизни рози қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уларнинг ишончини оқлашдан иборат экани алоҳида таъкидланди.

Ўтган даврда берилган топшириқлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАР УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИгини, ШУНИНГДЕК, ФУҚАРОЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАРДАГИ ФАОЛЛИгини ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, тегишли соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг гоёт муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг жадал суръатлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишларидаги ролини ошириш, хал-

қаро ҳуқуқининг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ушбу йўналишдаги уларнинг фаолиятини авж олдириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотларининг янада очиқлигини таъминлаш асосида бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин, унга мувофиқ ишлаб чиқувчи-ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (қўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI сардоси барча жамиятлардан олинган ёшлар таъриқлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• "Дўппи тикдим ипақлари тиллодан" сатрлари билан бошланувчи машхур кўшиқ садолари остида Андижон вилояти Пахтаобод туманида ўтказилган Дўппи сайли тадбири туман марказидаги бош кўчада миллий либос ва дўппи кийган минглаб йигит-қизларнинг оммавий юриши билан бошланди. Туман ҳокимлиги, туман Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган сайли

доирасидаги тадбирлар туман марказий маданият ва истироҳат боғида давом этди.

• Наманганда Наманган вилояти ва Саудия Арабистони ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Форум доирасида Наманган вилояти ва Саудия Арабистони ишбилармонлари ўртасида B2B ва B2G форматда бўлиб ўтган учрашув якунига қўра, араб ишбилармонлари билан қатор инвестиция шартномалари ва келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

• Ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳудуддаги криминоген вазиятни яхшилаш энг муҳими фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти Кармана туманининг Жаловий, Нарпай қишлоқлари ҳамда "Малика-бот" кўрғони ҳудудлари аҳолисига хизмат кўрсатуви 3 та ички ишлар бўли-

ми ташкил этилди. Мазкур бўлимларнинг биноларини барпо этиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 3 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Наманганда Умоннинг "Атуар Investments" компаниялар гуруҳи томонидан халқро стандартлаштириш технология маркази ташкил этилади. Учрашувда йирик лабораторияга эга бўлган ва халқро томонидан Наманганда халқро стандартлаштириш технология марказини ташкил этиш бўйича таклиф этилаётган лойиҳа муҳокама қилинди. Кишлоқ ҳўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати махсусотларини жаҳон стандартлари асосида лабораториядан ўтказиш, халқро стандартларга мослаштириш ва сертификатлашга ихтисослаштириш кўзда тутилган ушбу технология маркази вилоят экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

ЖАҲОНДА

• Пекинда Дасин халқро аэропорти расман очилди. "Синьхуа" агентлигининг хабарига қўра, дунёдаги энг катта аэропорт бўлган мазкур ҳаво кемалари маскани Пекинининг Дасин райони ва Ланфан шаҳри чегарасида жойлашган. Аэропортнинг 2021 йилга келиб йилга 45 млн., 2025 йилга эса 72 млн. йўловчига хизмат кўрсатиши кутилмоқда. Тўртта учмиш йўлагига эга аэропорт қурилишига 450 млрд. юань (63 млрд. доллардан ортқ) маблағ сарфланади ва беш йилга яқин давом этди. Терминал биноси Захи Хадид архитектура бюроси томонидан лойиҳалаштирилган. Илгари Шоуду Пекинининг асосий аэропорти ҳисобланарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ, ШУНИНГДЕК, ФУҚАРОЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАРДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига уч ой муддатда **Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини** қайта қўриб чиқиш тавсияси асосида, бунда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин: халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш; жамоатчилик назорати шакллари амалга ошириш механизмлари батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва молиялаштиришни** кўзда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин, унда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

институт томонидан ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг қўриб чиқиши учун киритиш ва шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериш; институт томонидан фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб **республика, вилоятлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун** ундирилган давлат бож ставкалари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан 3 бараваригача, вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилсин.

2020 йил 1 январдан бошлаб фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб боради-

ган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи ставкаси **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан** белгилансин.

5. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклидаги маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек, туман ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларига қўшилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда мажбурий бандлик талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки, республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, ушбу орган ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан мажбурий тартибда уларнинг веб-сайтлари яратилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳуқуқат қарори лойиҳасини ишлаб чиқин ва тақдим этсин;

Интернет тармоғида республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг веб-сайтлари мавжудлиги ва фаолият юритишнинг инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация натижалари веб-сайтларга нисбатан янги талабларни инобатга олган ҳолда кейинчалик давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги веб-сайтларини яратиш ва амалдагиларини модернизация қилиш бўйича чоралар қўриш учун икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телеканалида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни кенг қўллашда тушунтириш ва тарғиб қилишга, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни муҳофаза қилиш учун олимлар, социологлар, тадқиқотчилар, экспертлар, жамоат арбоблари, хотин-қизлар, ёшлар ва фуқаролар иштирокида доимий фаолият юритувчи “мунозара майдончаси”ни ташкил этишга қаратилган телекурсувлар туркумини тайёрлаш ва намоий этишни назарда тутувчи **“Jamoatchilik fikri”** тахририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, “Jamoatchilik fikri” тахририятини молиялаштириш Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан телерадиокомпанияга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси икки ҳафта муддатда марказий давлат телеканалларида мамлакатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига оид энг муҳим масалаларни муҳофаза қилиш мақсадида доимий асосда махсус телекурсувлар (жамоатчилик мунозаралари) ташкил этилишини таъминласин.

8. **Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва тизимлаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Ишчи гуруҳ 2020 йил 1 февралга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб **тўлов асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини** мунтазам равишда ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (А.Х.Саидов) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан белгиланган тар-

тибда келишилган қуйидаги лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низоми;

Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг халқаро стандартларини республикада жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш юзасидан мақолалар ва мавзуга оид курсатувлар ташкил этиш тавсияси қилинсин.

12. **Мажбурий ахборот амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари барча чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўллаш бўйича борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2085-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти соҳасида қонунчиликнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасини;

қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мажбурий ахборот ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2019 йил 4 октябр

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугунги кунда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилган бозор хизматлари турларининг рўйхати хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натига, 2019 йил январь-август ойда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 39 570,6 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 116,6 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқчи ҳажми молиявий транспорт алоқа ва ахборотлаштириш ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилаётган. Валюта сис-темини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохот-

лар молиявий хизматлар ҳажминини оширишга таъсир қўрғатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56,0 фоиз ўсиб, 11 581,4 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 29,3 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь-август ойда транспорт хизматлари ҳажминини оширишга таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юкларни ташув хизматлари бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушини автомобиль транспорт орақли қўриқчилар хизматлари (58,8 фоиз) эгаллади. Бу ун-н ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан

(ўтказмасдан) “Эшикдан эшиккача” етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасини харақатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технология хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилган хизматларнинг сифатини яхшилаштириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг оширишга таъсир қўрғатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 фоиз ўсиб, 3 577,4 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 9,0 фоизни ташкил қилади).

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Сайлов – 2019

БУ ИМТИҲОН БАРЧАМИЗГА БАҲО БЕРАДИ

“Ўзбекистоннинг янгиланган сайлов қонунчилиги – демократик сайловлар ўтказишининг асоси”. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ташаббуси билан ташкил этилган халқаро анжуман айни мавзуга бағишланди. Тадбир Марказий сайлов комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, сенаторлар, Марказий сайлов комиссияси, ЕХҲТ ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимиз экспертлари мулоқотнинг асосий иштирокчилари бўлди.

Анжуманда мулоҳазалар, муҳокама ва мунозараларнинг асосий мазмуни янгиланган сайлов қонунчилиги асосида сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Уллубек Абдусаломов халқаро ва хорижий экспертларни дастлаб бўлажак сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишга доир айрим аниқликлар билан таништирди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди, – деди М.Абдусаломов. – Иккинчидан, сайловлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди. Сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш амалиётида биринчи марта барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари номзодларнинг билан ва кўникмаларини оширишга қаратилган ишлар 8 босқичли “каскад” услубида ташкил этилди. Бу йилги сайловларда 16 миңдан зиёд сайлов округи ва сайлов участкаси тузилиши режалаштирилган. Шу вақтгача 70 республика тренери ва худудларда 748 “туман тренерлари” гуруҳи шакллантирилди. Ҳозиргача ушбу тренерлар томонидан 51 миңга яқин сайлов комиссияларини раиси, ўринбосари ва котиби ўқитилди. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича семинар-тренингларда жами 170 миңга яқин сайлов комиссиялари аъзоси ўзи билими ва кўникмаларини оширди.

Марказий сайлов комиссияси раиси маълумот беришича, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – йўриқнома, регламент ва низоомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари якунига етмоқда. Сайлов комиссиялари аъзолари тезкорлик билан фойдаланиш учун махсус “Сайлов – 2019” мобил илова ишлаб чиқилди.

ЕХҲТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш Миссияси сайловолди муҳити ва уларага тайёргарлик жараёнини, мамлакатимизда эркин ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни ижобий баҳолади. Парламент сайловларига тўлақонли кузатув миссиясини юбориш ниятини билдирди.

Шунингдек, аввалги парламент сайловларига ЕХҲТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси чекланган миссиясининг ўттизга яқин кузатувчиси иштирок этганини таъкидламоқ зарур. Бу йилги сайловларни Бюронинг уч юзга яқин, жумладан, 30 узоқ муддатли ва 250 қисқа муддатли кузатувчиси кузатиб бориши кутилмоқда.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов “Сайлов кодекси – демократик сайловлар ўтказишининг асоси” мавзусидаги маърузасида сайлов қонунчилигидаги янгиликлар тўғрисида атрафлича маълумот берди.

Мажбурий ҳужжат мамлакатимиздаги ўн саққинчи кодекс саналади, – деди А.Саидов. – Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан 20 дан ортиқ давлат, жумладан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон, Туркия каби мамлакатлар тажрибаси ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар пухта ўрганиб чиқилди. Сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжат атрафлича таҳлил қилиниб, уларнинг асосий гой ва стандартлари лойиҳа нормаларига чуқуқ сингдирилди. Инсон ҳуқуқлари умумхалқон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Сайлов кодекслари қабул қилинган дунёнинг 40 та давлати сағифа эндиликда Ўзбекистон ҳам қўшилди. Ҳўш, миллий сайлов тизимида нималар ўзгармоқда? Хусусан, тобора яқинлашиб келаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловлар аввалгиларидан қай бир жиҳатлари билан фарқланади? Иштирокчилар, айниқса, халқаро экспертларнинг эътибори марказида бўлган бу саволларга батафсил аниқлик киритилди.

Амалга киритилган янгиликлар, ўзгаришлар қўп ва уларнинг ҳар бири муҳим, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Шаринов. – Жумладан, парламент Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик харақати вакилларига квота ажратиш институти сайлов қонунчилигидан чиқариб ташланди. Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларини ёқуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши ҳуқуқи берилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган ва улара оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга сайловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Сайловчилар рўйхатига ўзгаришлар киритиш сайловга уч кун қолганда тўхтатиладиган бўлди. Ишчи депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 нафардан 5 нафарга қўйилди. Ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши белгиланди.

Конференция ишида сайловлар бўйича халқаро эксперт Рената Левовски маъруза қилди. Эксперт ўз маърузасида демократик сайловларни ўтказиш

бўйича халқаро тажриба ва амалиёт тўғрисида маълумот берди. Унда қайд этилишича, Ўзбекистонда сайловларни демократик принциплар асосида ўтказишда Сайлов кодексининг қабул қилинган ҳамда сайловлар билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилган ушбу сиёсий жараёнга янги руҳ берди. Қолаверса, сайлов жараёнида янада ошоралик рўхида ўтишни таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

ЕХҲТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш Миссияси сайлов бўйича маслаҳатчиси Ульви Ахундулло фикрича, ҳеч бир мамлакатда пухта сайлов қонунчилиги ва мукаммал сайловлар йўқ. Лекин мавжуд камчиликлар тизимни янада такомиллаштириб боришга ёрдам беради.

Мамлакатимизда 2016 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловларини беғосита кузатиб, бу бўйича хулосаларимизни 2017 йилда Марказий сайлов комиссиясига ҳисобот шаклида тақдим этган эдик, – деди У.Ахундулло. – Унда келгуси сайловларни қандай ташкил этиш юзасидан хулоса ва таклифларимиз ҳам акс этганди. Шу асосда ўтган вақт мавзисинда Марказий сайлов комиссияси билан доимий мулоқотда бўлди. Хусусан, Сайлов кодекси лойиҳаси мустақил халқаро экспертиза учун бизга юборилганда уни такомиллаштиришга оид тавсия, тегишли хулоса ва фикрларимизни ҳам билдиргандик. Улар кодекс қабул қилинишида эътиборга олинди. Юртингизда сайлов тизими такомиллашиб бораётганини доим кузатиб, ғувоҳи бўляймиз. Масалан, сайловчиларнинг ягона электрон базаси яратилгани бизда катта қизиқиш уйғотди. Бу каби янгиликларнинг натижасига сайлов кучи ишонч ҳосил қилишимиз деб ўйлайман.

Халқаро анжуман ўз ишини икки йўналишда давом эттирди. “Сайлов кодекси – партияларро рақобатни таъминлашнинг кафолати” мавзусидаги йўналишда янгиланган сайлов қонунчилиги талаблари асосида партияларнинг сайловлардаги иштироки ва партияларро рақобат масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Сайловлар жараёнидаги ёритишда ОАВнинг иштироки ҳамда мажбурий жараёнларни ёритишда сайлов ва ахборот қонунчилиги талабларига риоя қилиш масалалари эса “Сайлов кодекси – сайлов очиклигини таъминлашнинг кафолати” мавзусидаги йўналишдан жой олди.

Сайлов фақат мамлакат учун синов эмас. Бу сиёсий жараён сайланувчи ва сайловчилар учун ҳам имтиҳон. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Сайлов жараёнида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, граждандлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади”. Демак, халқимиз тақдири, юртимиз келажаги олдидаги бурчимиз, масъулиятимиз, салоҳиятимиз жорий йилнинг 22 декабрь кунини ўз баҳосини олади.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмасини оширишда уларни демократик жамиятнинг асосий принциплари ҳамда қонун ижодкорлиги жараёни билан беғосита таништириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Ўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солишда ёшларнинг роли” мавзусидаги “Депутат ва ёшлар” учрашуви ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таширф буюрганларга мамлакатимизда ёшларга оид давлат сис-теминини изчил ва самарали амалга ошириш, навқирон авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳусусида сўзлаб берилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, унинг тузилмалари, депутатлик бирлашмалари, комиссиялари ва депутатлар фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Тадбирда асосий эътибор жамиятнинг маънавий муҳитига салбий таъсир қўрсатаётган тўй маросимлари, оилавий тадбирлар ва маъракаларни ўтказишни тартибга солиш, номақбул ҳолатлар ва исрофгарчиликнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Бунда жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг ўрни каби масалалари кенг муҳокама қилинди.

Учрашув давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрафлича жавоб берди. Давра суҳбатидан сўнг иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан депутатларга яратилган шарт-шароитлар, мажлис заллари, клубхона, миллий парламентимиз тарихи билан яқиндан танишди. Бу эса парламент вакилларининг иш жараёни ҳамда тасаввурга эга бўлиш имконини берди.

(Ўз муҳбиримиз)

21 октябрь – ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганига 30 йил тўлади.

Шу давр ичида қонун ижроси борасида анча-мунча ишлар амалга оширилди. Асрлар давомида турли босқинлар оқибатида гоҳ араб, гоҳ форс, гоҳ рус тиллари соясида қилиб келган туркий – ўзбек тилимизни чинакам давлат тилига айлантириш йўлида бир талай амалий қадамлар ташланди. Албатта, қандай муваффақиятга эришган бўлсак, барчаси ўзимизнинг ютуқларимиз. Бироқ давр тулпори шунчалик тез илгариланмоқдаки, кўп ҳолларда ортидан қувиб, етиб улгуролмай қолаётганимиз яққол сезилмоқда. Айтайлик, Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли жаҳон миқёсида тақрибан 50 фоизга кўпайиб, қарийб 40 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу эса, ўзбек тили ҳам дунёнинг йирик тилларидан бирига айланди, демакдир. Аммо шунга таассуф билан қайд этиш керакки, ана тилимизга муносабат унинг буюк макъеига сира-сира лойиқ эмас.

Ўзбек тилига юксак умид ва ишонч билан Давлат тили мақоми берилганидан сўнг кўп ўтмай, навбатдаги дадил қадам ташланди, яъни лотин ёзуви асосланган алифбони жорий этиш ҳақидаги тарихий қонун қабул қилинди. Афсуски, ушбу ҳужжат ижроси ҳам “Давлат тили тўғрисида”ги қонун сингарии низоҳатда сўст баҳарилмоқда. Ҳатто, айрим зиёлиларимиз томонидан ана қирилган ёзувга қайтиш ёки янги имлони яна ислоҳ қилиш сингарии ташаббус-таклифлар билдирилмоқда.

Яна бир томонини айтиш керак, амалдаги лотин ёзуви АКТ технологиялари билан олий даражада уйғунлаштирилган. Компьютер ва бошқа коммуникация воситаларида ўзбекча ёзиш учун ҳеч қанақа қўшимча дастурлаш ёки қайта мослаштиришга эҳтиёж йўқ. Янги алифбомиздаги қулайликлар кичик жузъий камчиликлар олдига бекиёс ус-тунликларга эга. Қолаверса, янги ёзувимиз бутун дунё миқёсида аллақачон тарқалиб улгурди. Ишонмасангиз, истаган компьютер, планшет ёки уяли телефон аппарати-нинг ўзбек тилида ишлайдиган версиясига кириб кўринг.

Янги алифбо ислохотчиларнинг таклифи асосида иш тутиб, айрим ҳарфларга “дум” ё “шох” қўядиган бўлсак, худди илгари ҳар бир ёзув машинкасига қўшимча ҳарфлар ясашга тўғри келган ҳолатдагидек аҳолга тушиб қолишимиз тайин. Яна шунга ҳам унутмаслик керакки, ҳар гал алиф-бомадаги алифбодаги ҳарфларни ўзгартиришнинг йирик маъ-навий ва молиявий йўқотишларни келтириб чиқаради.

Менга қолса, болаларимиз дунё ўзбеклари қўлаётган ҳар учала ёзув: лотин, кирилл ва араб алифбосини ҳам бир-дек яқин билиши тарафдориман.

Ўзбек тили чинакам Давлат тилига айланиши йўлидаги ана бир жиддий муаммо – саводхонлик масаласидир. Китеблар, даврий нашрлар, кўча ва майдонлардаги биткиларни кўриб, қулишгини ҳам, ачининишнинг ҳам билмай қолсан киши. Ҳаваскор журналистлар томонидан “ошқора” сўзининг “ош-қорасилиқ” деган янги антоними яратилди. Биз эса “ош-қора” сўзининг зид маънолини “пихона” деб юргандик. Ёки “қўшимча қиймат” сўз бирикмасининг “қўшилган қий-мат”га айланиб қолганига нима дейсиз? Умуман, тил меъ-ёрларини назорат қиладиган бирор мутасадди ижтимоий институтимиз борми? Керак-ноқерак жойларга рус ва бо-шқа тиллардаги ёзувлар тиқштирилаётгани ҳақида-ку, га-пиравериб чарчадик. Имло хатолари тўғрисида гап очилса, кишининг кўнгли беҳузур бўлади. Яқинда 8-синфлар учун мўлжалланган “Она тили” (!) дарслиги ичига ёпиштирилган “Дарсликдаги хатолари тўзатиш вағари”га кўзим тушиб қолди. Унда китебдаги нотўғри ёзилган сўзларга изоҳ бе-рилинди. Яхшиям буни кимдир сезиб, тузатишга ҳаракат қилган, кеч бўлса-да, хатолар тузатилган. Бироқ тузати-лмаган хатолар қанчалигини ҳеч ким билмайди.

Масалан, бир вақтлар замона зайли билан нотўғри ёзиб келинган исм-фамилияларни тўғрилай қўйиш ҳақидаги дав-ватлар ҳам унутилиб кетди. Хўжаевлар “Хаджаев”, Жўраев-лар “Джурев”лигича яшашда давом этаётди.

Яқинда “Ўзбекистон” радиоканали орқали бир адабиёт-шунос олиманнинг Форс қўрфазии мамлакатлари адабиёти ҳақидаги чиқишини қизиқиш билан тингладим. Эшиттириш гоҳ мазмунли бўлиб, ундан кўп янги маълумотлар олдим. Бироқ мамлакатлар номи русчасига “Катар, Кувейт, Бах-рейн” тарзида талаффуз этилиши диллимни хира қилди. Бош-ловчининг бир неча марта тузатиш киритганига қарамай, хурматли олим тилини тузатмади. Бундан кўриниб туриб-дики, биз сўзларни нотўғри талаффуз қилишга одатланган қолганимиз. Оммавий ахборот воситаларида Куддус шаҳри-ни “Иерусалим”, Жазоирнинг “Алжир”, Мисрнинг “Египт” тарзида қўлағанимиз таржимон ва журналистларимизнинг билим савияси ҳаминқадар эканини фойда қилиб қўймоқда.

Радио-телевизион ва кино-спектаклларда шева сўзла-рининг ўринсиз қўлланиши ҳақида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Айтайлик, Шарқшунослик институти олма-си радио орқали қадимий қўлёмалар ҳақида мароқ билан сўзлар экан, эшиттириш давомида “кевотти-борвотти”, “ке-ловуза-боровуза” тарзидаги диалектизмларни қайта-қайта қўллаганига нима дейсиз?! Энди олий маълумотли фило-логлар шу тариқа сўзлаганидан кейин, бошқалардан нима-ни кутиш мумкин?! Шу ўринда таниқли тилшунос олима,

ОНА ТИЛИМИЗНИ СЕВИШИМИЗ ВА АСРАШИМИЗ ЛОЗИМ

мат”га айланиб қолганига нима дейсиз? Умуман, тил меъ-ёрларини назорат қиладиган бирор мутасадди ижтимоий институтимиз борми? Керак-ноқерак жойларга рус ва бо-шқа тиллардаги ёзувлар тиқштирилаётгани ҳақида-ку, га-пиравериб чарчадик. Имло хатолари тўғрисида гап очилса, кишининг кўнгли беҳузур бўлади. Яқинда 8-синфлар учун мўлжалланган “Она тили” (!) дарслиги ичига ёпиштирилган “Дарсликдаги хатолари тўзатиш вағари”га кўзим тушиб қолди. Унда китебдаги нотўғри ёзилган сўзларга изоҳ бе-рилинди. Яхшиям буни кимдир сезиб, тузатишга ҳаракат қилган, кеч бўлса-да, хатолар тузатилган. Бироқ тузати-лмаган хатолар қанчалигини ҳеч ким билмайди.

Масалан, бир вақтлар замона зайли билан нотўғри ёзиб келинган исм-фамилияларни тўғрилай қўйиш ҳақидаги дав-ватлар ҳам унутилиб кетди. Хўжаевлар “Хаджаев”, Жўраев-лар “Джурев”лигича яшашда давом этаётди.

Яқинда “Ўзбекистон” радиоканали орқали бир адабиёт-шунос олиманнинг Форс қўрфазии мамлакатлари адабиёти ҳақидаги чиқишини қизиқиш билан тингладим. Эшиттириш гоҳ мазмунли бўлиб, ундан кўп янги маълумотлар олдим. Бироқ мамлакатлар номи русчасига “Катар, Кувейт, Бах-рейн” тарзида талаффуз этилиши диллимни хира қилди. Бош-ловчининг бир неча марта тузатиш киритганига қарамай, хурматли олим тилини тузатмади. Бундан кўриниб туриб-дики, биз сўзларни нотўғри талаффуз қилишга одатланган қолганимиз. Оммавий ахборот воситаларида Куддус шаҳри-ни “Иерусалим”, Жазоирнинг “Алжир”, Мисрнинг “Египт” тарзида қўлағанимиз таржимон ва журналистларимизнинг билим савияси ҳаминқадар эканини фойда қилиб қўймоқда.

Радио-телевизион ва кино-спектаклларда шева сўзла-рининг ўринсиз қўлланиши ҳақида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Айтайлик, Шарқшунослик институти олма-си радио орқали қадимий қўлёмалар ҳақида мароқ билан сўзлар экан, эшиттириш давомида “кевотти-борвотти”, “ке-ловуза-боровуза” тарзидаги диалектизмларни қайта-қайта қўллаганига нима дейсиз?! Энди олий маълумотли фило-логлар шу тариқа сўзлаганидан кейин, бошқалардан нима-ни кутиш мумкин?! Шу ўринда таниқли тилшунос олима,

профессор Бахтиёр Менглиевнинг “Филология фани ва тил-адабиёт таълими орасида жарлик пайдо бўлди” деган фик-ри унчалик ҳам асоссиз эмаслиги аён бўлиб қолади. Баъзи ўринларда шевага хос сўзларни қўллашга рағбатлантириш кайфияти ҳам куртак отмоқда. Бунда шунга унутмаслик ке-ракки, шева сўзларининг ўринсиз қўлланилиши тил ва мил-лат бирлигига зиён келтирибгина қолмасдан, биз бутунги кунда аёвсиз курашаётганимиз – маҳаллийчиликнинг қўлтигига сув пуқайди. Бутунги сержалва замонда халқ ва миллат бирлиги ҳар қачонгидан кўра зарурроқ аҳамият касб этаётганини зинҳор унутмайлик.

Афсуски, ана шундай бир вазиятда, юқорида ёзилгани-дек, тил меъёрларини рисолага соладиغان шахс ёки ташки-лот топилмади. Номингана ташкил этилган комиссия-ю назоратчиларнинг овози ўчиб кетганига ҳам ана йил бўлди. Йўқса, қонун, қарор, иш қозғолари ва расмий ҳужжатлар ҳали-хануз рус тилида чиқишда давом этмасди ёки бўлмас-ди, айрим зиёлилар томонидан яна қайтадан рус тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги қалтабин таклифлар овоза қилинмас эди. Яхшиямки, ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган бу “ташаббус”га миллатпарвар тил жонқуярлари ўзларининг муносиб жавобларини айтишди.

Яқинда “O‘zbekiston” телеканали орқали намойиш этил-ган ток-шоуда “Давлат тили тўғрисида”ги қонун ижроси-нинг сустиги учун “Миллий тилқилиш” партияси жавобгар экани қабилда фикрлар айтилди. Тўғри, бу гапда ҳам қай-сидир маънода жон бор. Лекин гапнинг холисини айтган-да, тил ҳақидаги қонун ижроси учун сийбий партияни масъ-ул қилиб қўйиш унчалик ҳам тўғри иш эмас-да, ахир.

Маълумки, давлат қомус ва қонунлари ижросини назо-рат қилувчи расмий институтлар – Конституциявий суд ва прокуратура бор. Бироқ биз шу пайтгача бирорта судья ёки прокурорни Ўзбекистон Республикаси-нинг “Давлат тили тўғрисида”ги ёхуд “Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг жорий этиш тўғрисида”ги қонунлари ижроси назо-рати ҳақидаги ҳисоботини на ўқидик, на эшитдик.

Бу борада Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универ-ситети ва бошқа мутасадди олий таълим му-ассасаларининг жонқуяр илмий ходимлари ҳам “ҳарфларга дум керакми, шох керак-ми?” деган думалар муаммо атрофида ўрала-шиб қолмасдан, ўзбек тилининг янги алиф-босини намунали имло лугатини, атамалар ва илмий – иж-тимоий-иктисодий терминларнинг ўзбекча шакллари яри-тиб берсалар яқин бўлар эди.

Назаримда, бизда ана тилимизга нисбатан ҳурмат ва гурур тўғрисида озгина етишмяпти. Биз – бир гуруҳ ижодкорлар қўшни Қозоғистонда меҳмонда бўлганимизда, қардошлари-мизнинг ўз тилларига кўрсатган эҳтирминини кўриб, тасанно-лар айtdик. Тожикистонга бориб қайтган юртдошларимиз ҳам у ерда ҳар битик, энг аввало, тожик тилига, ундан кейин-гина зарур бўлса бошқа тилда эканини қайд этидилар. Биздаги “химчистка”, “мойка”, “автозапчасти”, “замена мас-ло” каби бошқа ақаботлар битиклар ўрнида “кимёвий тоза-лаш”, “автоматлаштириш”, “автоэҳтиёт қисмлари” ёки “мой ал-маштириш” дея ёзиб қўйса бўлмайдими?! Рус тилида сўзла-шуви бирорта одам яшамайдиган олис қишлоқларнинг би-рида “ҳодовий” деган хатоли ёзувга кўзим тушди. Уста, Ўзча “автомобилнинг ҳаракатланувчи қисмларини таъмирлайман” демоқчи бўляпти. Менимча, бунинг ўрнига у “ҳаракатланув-чи қисмлар таъмири” деб қўйиш лозим эди. Аммо бу ишни унинг учун ким қилиб бериди. Тўман марказидаги “Тасвирий ойна” устaxonасининг шигирига “хатолар учун жаовоб бермай-миз” деб ёзиб қўйилган. Ҳў, хатолар учун ким жаовоб бери-ди? Машина тузатувчи устани, ошпазми ёки сартарошми?! Шу касбининг ноини еспансин, сен жаовоб беришинг керак! Саводсизликни урчиётган бунча чаласавод “тасвирий ойна-”чилардан воз кечиб, саводли, билимли бошқа ходимлар билан алмаштириш вақти аллақачон етиб келди!

Юқорида қайд этилганидек, эндиликда ўзбек тили дунё-даги энг йирик тиллар қаторидан жой олиб улгурди. Мен ишонманки, яқин йилларда тилимиздаги сўзлар БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, МДХ, ШХТ ва бошқа шу сингарии энг нуфузли халқаро минбарлардан мағрур жаранглайди, дунё-даги бошқа миллат кишилари ҳам ўзбек тилини қизиқиб ўрға-нади. Бироқ бундан олдинроқ ўзимиз ана тилимизни севи-шимиз, ҳурмат қилишимиз ва авайлаб-асрашимиз лозим.

Худойберди КОМИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ҳаёт аталмиш бўстонда устозларимизнинг панду насиҳатига қулоқ тутиб, ўз ўрнида устозлар шогирдларининг ютуқларидан доимо қувонади.

Устоз ва мураббийларсиз биз шахс сифатида шакллана олмаган, билим ва қўникмаларни эгаллай олмаган бўлардик. Қуни кеча нишонланган байрамда уларга бўлган чексиз миннатдорчилигимиз, ўзимизнинг қалб сўзларимиз ва эзгу-нияларимизни билдириб, меҳнатлари эътироф этилди. Тошкент автомобил йўлларини лойиқлаш, қуриш ва эк-сплуатацияси институти академик лицейида мазкур санага бағишлаб, маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда академик лицей директори М.Муратбекова ўқит-чилар ва педагог ходимларини, ота-оналар ва “Гулистон” МФЙ номидан қизгин табриқлади. Ўқитувчилик касбини қан-чалик машаққатли ва ўта шарафли касб эканлигини таъ-кидлаб, уларга педагогик фаолиятда муваффақиятлар ти-лади. Ёш авлодни камол топиши ҳамда уларни аждоқлари-мизга муносиб тарбиялашдек вазифани адо этишда мато-нат билан республикамизни янада ривожлантиришга ўзи-нинг қамтарона ҳиссасини қўшаётгани билан муборақбод этди.

Тадбир сўнггида устоз ва мураббийларга эсдалик совға-лари топширилди.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ОТА-ОНА УЧУН ФАХР

Ёшларимизнинг ҳар бири замонавий билимларни пухта эгаллаб, ўз касбининг устаси бўлса, ота-онаси, жамиятимиз олдида юзи ёруғ бўлиб, мамлакатимиз фаровонлигига муносиб ҳиссасини қўшади.

Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шу эзгу муудога, халқимизнинг азалий интилишлари негизи – баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда ўз мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи устувор вазифа-га айланди. Юртбошимиз томонидан бугунги тинч осойишта кун-ларимиз, ёшларга берилаётган юксак эътибор, уларни соғлом фикрли қилиб воғга етказиш учун яратилаётган шарт-шароитлар қалбимизни гурур-ифтихорга тўлдирди-ди. Берилган имкониятдан самарали фойдаланган ёшлар қўлаб ютуқларни қўлга киритаётгани қувончли. Албат-та бундай натижаларга эришишда ёшларнинг ота-онаси, устозларининг ўрни катта.

Ана шундай ёшларни эришган ютуқларини рағбатлан-тириш, яқинларига миннатдорлик билдиришга божхона тизимида ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 2-курсда тахсил олаётган тингловчи Гузал Нигматова ҳамда 3-курсда тингловчиси Бобур Тўхтамуродовни чин маънода қўлаб ютуқларни қўлга киритган ёшлар сирасига кири-тиш мумкин. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Ёшлар иттифоқи етакчиси ҳамда Фахрийлар Уюшмаси бўлими Раиси Р.Рахимова билан айтиш мумкин ота-оналарни муносиб табриқлаш мақсадида ма-ҳаллаларига бориб, ёшларнинг ота-оналарига Фахрий-лар Уюшмасининг миннатдорлик хатини тантанали ра-

вишда топширишди.

Ҳар бир ота-она фарзанди учун билдирилган ишонч ва рағбатдан қўнгли тоғдек кўтарилади. Келажакда порлоқ ёшлар истиқомат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган тадбирда бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди. Маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари иштирокида тинг-ловчи Г.Нигматовнинг отаси Б.Нигматов ҳамда Б.Тўхта-муродовнинг онаси Н.Йўлдошеввага фарзандларининг эришган ютуқлари эътироф этилди. Бу каби ёшларнинг сафи янада кенгайсин дея ният қилинди. Тингловчилар-нинг келгусидаги фаолиятларида муваффақиятлар тила-ниб, яқинларига алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Улар 2018-2019 ўқув йилида ўзларининг билими ҳамда интизом билан институтда жорий этилган “NAMUNALI BOJXONA TINGLOVCHISIGA” кўма билмас ва “NAMUNALI BOJXONA TINGLOVCHISIGA” кўрақ нишонига муносиб деб топилгани таъкидланди.

Кўтаринки кайфиятда кенган уршарув ақнида Божхо-на институтида таълим жараёни самарадорлигини янада ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошири-лаётганини таъкидлаб ўтилди. Келгусида фарзандини бундан-да юқори натижаларга эришишда ота-онанинг ўрни бекиёс эканлиги алоҳида қайд этилди. Ўз ўрнида тинг-ловчиларнинг яқинлари фарзандларининг ютуқларидан қувонгани, институтида яратилган шарт-шароитларди-н оқилона фойдаланган ҳар бир ёш муваффақиятга эриши-шига ишонч билдиришди.

Зарина РҲСТАМОВА

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори асосида Уч-тепа туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақса-дида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Уму-вий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори асосида Учтепа туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқат-ланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Кейинги йилларда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) ва "Sen Yolg'iz Emassan" республика болалар жамоатчилиги жамғармаси қатор ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болаларни ҳимоялаш юзасидан олиб борилаётган ишларга ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунга қадар РБИММнинг Фарғона ва Самарқанд минтақавий филиаллари ўз ишини муваффақиятли олиб бораётган бўлса, шу йилдан бошлаб ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракати билан Қарши минтақавий филиали ҳам ўз ишини бошлади.

Жамиятда ногиронлиги бўлган болаларга баробар муносабатда бўлишни ошириш, инклюзив таълимни кенгайтириш мақсадида РБИММ нафақат вазириликлар, идоралар ва давлат органлари, балки ННТлар, халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари билан ҳам ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун жорий йилнинг 16 августидан РБИММ ва Қозоғистон Республикасининг "Психотахлилни ривожлантириш жамоатчилиги фонди" ўртасида меморандум имзоланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Мактабгача таълим, Ташқи ишлар вазириликлари ва бошқа ташкилотлар кўмагида "Камалак жилоси" номли тўртинчи оила ва болалар амалий психологияси ҳамда психотерапияси фестивали ташкил этилди.

Санкт-Петербург шаҳридаги "Иматон" амалий психология институти, Қозоғистон Республикаси Перинатал психологлар ва психотерапевтлар ассоциацияси фестивалнинг ҳамкори сифатида иштирок этди.

Фестивалнинг мақсади – ота-оналар, педагоглар, гинекологлар, педиатрларнинг психологик-педагогик компетентлигини ошириш, оила ичидаги муаммоларни, эр-хотин ва болалар – ота-оналар муносабатларини ҳал қилиш, мутахассисларнинг болалар ва ўсмирлар психологияси соҳасидаги билимларини чуқурлаштиришдан иборат.

Музокарали гуруҳлар, ўйинлар, маҳорат дарслари, амалий психология ва психотерапиянинг машҳур усталаридан тақдиротлар ўтказилди.

Фестиваль давомида болалар расмлари ва ясаган буюмлари кўргазмаси, қизиқарли саёҳатлар

ва Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан танишув тадбирлари бўлиб ўтди.

Уч кунлик фестивал давомида иштирокчилар турли соҳадаги қўлланмалар ва етакчи дастулар муаллифларининг чиқишларини кўриб улар билан мулоқот қилиш имконига эга бўлишди. "Камалак жилоси" фестивалининг барча меҳмонлари учун бутун оилага мўлжалланган турли-туман ўйинлар тайёрланди. Фестиваль бутун оила учун ҳам маънавий, ҳам тарбиявий ҳордиқ майдони бўлди.

Фестивалда Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина, "Бахтли Оила" тренинг маркази, "Baby Island" маркази амалий психологлари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазириликдан мутахассислар, ота-оналар иштирок этдилар.

— Бир сўз билан айтганда фестивал турли қирралар, ҳар хил рангларни ўзидан мужассам этди,



"КАМАЛАК ЖИЛОСИ" БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ

— дейди фестивал куратори Ирина Терентьева. — Камалакни кўрганда болаларнинг қанчалар қувонганини, ёмғирдан кейин камалакка нигоҳи тушган катталар хайратини кузатганмисиз! Бизнинг фестивалимиз ҳам айнан шу ҳолатни акс эттирди, унда нафақат руҳингиз, балки танангиз ҳам ором олди! Маҳорат дарслари ота-оналар, бўлажак ота-оналарни сергак бўлишга чақирса, мутахассисларни малака оширишга ундади.

Гўзаллик тушунчаси субъектив бўлиб, уни ҳар ким ўзи истаганча қабул қилади. Гўзаллик бу – инсонпарварлик, ҳаётий куч, ривожланиш ва тарққийёт қобилияти. Фестивалнинг ташкилотчиларидан тортиб, барча иштирокчиларда бу қобилият

уйғунликда мавжуд. Зеро, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази биносидан Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина, Исроиладан ташриф буюрган мутахассислар иштирокидаги маҳорат дарсларининг ҳар бири ўзининг аjoyиб мазмун-моҳияти, тақдим этиш шакли билан фарқланган турди, иштирокчиларни ўзига жалб қила олди. Фестиваль якунида марказ директори Васила

Алимова ва куратор Ирина Терентьева, "Берегиня" Перинатал психологлар ассоциацияси раҳбари Наталья Постоева сўзга чиқдилар. Шундан кейин "Энг яхши маҳорат дарси", "Тошшабинлар симпатияси учун приз", "Энг яхши спикер-тренер" номинациялари ғолибларини тақдирлаш ҳамда Қозоғистон Республикаси "Фонд" Маркази ва Санкт-Петербург шаҳридаги "Иматон" амалий психология институтининг рағбатлантирувчи сертификатларини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Фестиваль "SabrinaGoldClub" болалар спорт-соғломлаштириш мажмуи катнашчиларининг бадий чиқишлари билан якунланди.

Камалакдек товланиб, бола ва оиладаги муносабатларнинг барча қирраларини қамраб олган тарзда уч кун давом этган фестивал ўз ниҳоясига етди. Ташкилотчилар жамиятнинг ривожланишига қўшган самарали ҳиссаларидан, иштирокчилар эса ўзлаштирган билимларидан мамнун бўлдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

САНЪАТТА ОШУФТА ДИЛЛАР

Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактабидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан ҳамда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида санъат вакиллари ва "Ниҳол" мукофоти совриндорлари билан учрашув ўтказилди.

Учрашув Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус доирасида ёшларнинг мусиқа, расмчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларида қизиқтирилари ошириш ҳамда истеъодларини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда "Чархпалак", "Масҳарабоз", "Кўзларим йўлингизда" каби фильмлардаги қўшиқлари билан барчага таниш Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қозим Қайумов ўз ҳаёт йўллари, эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берди. Бундан ташқари, ўқувчи-ёшлар билан воқал тўғрисида бир қанча маълумотлар билан ўртоқлашди.

"Ниҳол" мукофоти совриндори, Францияда бўлиб ўтган Халқаро мусиқий фестивалда академик оркестр йўналиши бўйича I-ўринни қўлга киритган, бир қанча қирқитанловларда иштирок этган скрипкачи Тоҳир Усмонов том маънода тадбирда иштирок этаётган ёшларга ўрнак бўла олди. Тоҳир Усмонов бу даражага қандай эришганини сўзлаб берди ва барчани руҳлантирди. Ўз ижод намуналаридан ижро этиб, ўқувчиларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада оширди.

ТЕАТР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан Ёшлик шаҳарча ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Олмазор тиббиёт коллежидан Муқимий номидаги ўзбек мусиқий драма театри ходимлари – халқ эъзозидати санъаткорлар иштирокида ижодий учрашув ташкил этилди.

Таълим муассасасининг фаол, ташаббускор ёшлари иштирокидаги мазкур учрашув "Театр – ҳаёт кўзгуси" деб ном олди. Тадбирда эл ардоғидан, образлари орқали халқ кўнглидан жой олган актрисалар – М.Қайумова, М.Отажоновалар катнашди.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ёшларнинг маънан соғлом бўлиб тарбия топишларига ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришларига замин яратди, десак муболаға бўлмайдими. Учрашув давомида сўзга чиққанлар юртимизда санъат, маданият ва спортга берилган эътибор натижасида ўзбек санъати янада юксалаётганини алоҳида таъкидлашди. Эл севган санъаткорлар театр дунёсига кириб келишлари, илк роллари ва манзур бўлган ҳақрамонлар қиёфасини жонлантириш завқи ҳақида ёшларга сўзлаб берилди.

— Камол тоғиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, дунё сахнида рўй бераётган, ҳозирги кунда довлар муаммоларга айланганга ёт гоилар таъсиридан асраш ва булардан ёшларимизни огоҳ этиш муҳим масалалар, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Касални доволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бу гаплар беҳизга айтилмаган. Ёшларимизни бундан вақтларини унумли ўтказиш уларни кўпроқ спорт, санъат, адабиётга жалб қилишимиз керак. Муқтаил Ўзбекистонимизда ёшларимизга берилган эътибор, раҳмюрликлар, қўллаб-қувватлашлар ёшларга бўлган эътиборнинг йўлдан йўлга ўсаётганидан далolat бериб турибди.

Тадбир сўнгида ёшлар ўзларини қизқитирган саволларга жавоб олдилар ҳамда актрисаларнинг жонли хошидан баҳраманд бўлдилар.

Нозим БЎРОНОВ

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги 52-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун "Куз – 2019" спорт байрами тадбири ўтказилди.

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ШОДЛИК УЛАШИБ...

Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган кувнок эстафеталар баҳсида таълим масканининг барча ўқувчилари иштирок этишди. Такли этилган меҳмонлар болажонларга совғалар улашди. Фарзандларининг тайёргарлигини томоша қилган ота-оналар давлатимиз томонидан яратилган кенг имкониятлардан миннатдорликларини билдиришди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббус ёшларнинг бундан вақтини мазмунли ташкил этишида дастуруламал бўлмоқда, — дейди мактаб

директори Раъно Ҳамралиева.

Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусда кўзда тутилган китобхонликни шакллантириш ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида мактабимизда "Китоб – менинг дўстимдир" шиори остида китоб кўргазмаси ва ярмарка ташкил этилди. Ушбу тадбир "Шарқ зийёкори" НМАК билан ҳамкорликда амалга оширилиб, имконияти чекланган болалар учун ўзбек ва рус тилларида рангли, расмли, болаларнинг ақлан ривожланиши ва коррекцион ривожлантириш мақсадида содда матнли ҳамда мак-

таб педагоглари учун буюк алломаларнинг асарларига оид адабиётлар кўргазмаси намойиш этилди. Ўқувчилар бир-бирдан аjoyиб, қизилкарли янги нашрдан чиққан китоблар билан танишди. Тадбир якунида ўқувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури барчага бирдек манзур бўлди.

Кетма-кет ўтказилган тадбирлар мактаб ўқувчиларининг кўнглига қувонч улашини баробарида узок йиллар хотираларида сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Асқар АТАЕВ, 52-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабнинг Ёшлар иттифоқи етакчиси

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА ҒОЛИБ

Қозоғистон Республикасининг Қизилўрда шаҳрида Муқтаил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари электр энергетикаси ходимлари ўртасида XVI Халқаро малака ошириш танлови ўтказилди.

Қизгин ва мurosис кечган мусобақаларда мамлакатимиз номидан иштирок этган "Худудий электр тармоқлари" АЖ жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, мусобақа якунларига кўра назарий билим синови ва трансформатор подстанциясида юз берган ёнгини барқараф этиш bosқичларида энергетикларимиз биринчи ўринни эгаллашди. "Энг яхши жамоа сардори" номинацияси бўйича ўтказилган танловда эса жамоамиз сардори Екатерина Титухина энг юқори ўринга лойиқ топилди.

Муқтаил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ходимлари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган

мусобақаларда иштирокчи давлатлар энергетикалари техник хавфсизлик, тармоқларга техник хизмат кўрсатиш, авариявий ҳолатларда техник ва амалий ҳаракатлар каби йўналишларда бахсларга киришди.

Энергетикларимизнинг бундай халқаро мусобақаларда иштирок этиши соҳага бўлган таъриба ва кўникмаларини янада ошириш билан бир қаторда янги ишланмалар ва технология янги-ланишлар билан танишиш имконини беради.

Зилола МАҲАМДАЖОНОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 3-курс талабаси

Реклама ва эълонлар

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давергеодезакадр қўмитаси томонидан тасдиқланган жадал асосида жорий йилнинг 25 октябрь куни Тошкент шаҳрининг Сергели ва Яшнобод туманларида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабули ўтказилади. Ушбу сайёр қабулда барча соҳага оид саволлар билан иштирок этишингиз мумкин.

Сайёр қабул ўтказиш вақти:

25 октябрь куни соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар қорхонанинг Сергели туман филиалида.

25 октябрь куни соат 14:00 дан соат 17:00 га қадар қорхонанинг Яшнобод туман филиалида.

Маълумот учун телефонлар: (71) 231-68-51 (212), (71) 233-14-59.

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2009 йилда Аббасов Илхом Эркинвич номига берилган В № 438427-сонли бакалавр диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент меҳмонхона бўжалоги ва сервис коллежи (ТСПКУ) томонидан 1980 йилда Хасанов Садриддин Пахриддинович номига берилган № 022710 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети (аввалги Тошкент давлат университети) томонидан 1993 йилда Каримова Наргиза Файзуллаевна номига берилган № 040119 рақамли (40902-рўйхат рақамли) дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 08.04.2009 йилда № 004634-10-реестр рақами билан рўйхатга олинган "AFRUZ CAPITAL BIZNES" МЧЖ (СТИР 301132412), почта манзили Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 15-уй таъсисчисининг 26.09.2019 йилдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (97) 480-17-09 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 24.03.2010 йилда № 004155-09 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "EAST POINT" МЧЖ (СТИР 205326185) таъсисчисининг 25.09.2019 йилдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва аризалар эълон чикқан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Чилонзор тумани, Чорбоғ 1-тор кўчаси, 45-уй манзилида қабул қилинади

Реклама ва эълонлар

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 18.06.2019 йилда 735121 рақам билан рўйхатга олинган "MAGIC – TOUR" МЧЖ (СТИР 306515524) почта мазили Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 2-уй, 46-хонадон таъсисчиларнинг 18.09.2019 йилдаги № 2-сонли баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (97) 454-46-56 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 82-уй кўп қаватли тураржой биноси учун "KADIROV ABDULAZIZ FATTAHOVICH" МЧЖ номига 18.11.2015 йилда берилган реестр рақами 161-2015 бўлган 10:05:03:02:01:0089 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей томонидан 2015 йилда Азизжонов Икромжон Дилшод ўғли номига берилган L № 250641 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 26-28 даража илқ бўлади. Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси наст бўлади.

Тошкент шаҳрида 8 октябр кўни ҳаво ўзариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи